

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 184 (9.987)

2003 ЙИЛ 18 СЕНТЯБРЬ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Имом Бухорий ёдгорлик мажмуини асраб-авайлаш ва янада ободонлаштириш, аллома меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш ишларини такомиллаштириш тўғрисида

Ислол оламининг беназир намоюдаси, буюк муҳаддис Имом Бухорийнинг дунё маданияти хазинаси ва муқаддас динимиз ривожига қўшган улкан ҳиссасини инобатга олиб, аллома меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш, унинг эзгулик, маънавий қомилликка чорловчи гоиларини ватандошларимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига сингдириш ҳамда Имом Бухорий ёдгорлик мажмуини асраб-авайлаш ва янада ободонлаштириш борасидаги ишларни такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Самарқанд вилоятидаги Имом Бухорий ёдгорлик мажмуини Ўзбекистон мусулмонлари идораси балансига ўтказиш ҳамда унинг ташкилий ишларини олиб бориш учун мустақил юридик шахс мақомига эга бўлган Бошқарув кенгаши тузиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Имом Бухорий халқаро жамғармаси Муассислар кенгашининг жамғармаси Имом Бухорий республика илмий-маърифий маркази шаклида қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарори ҳамда унинг таркиби маълумот учун қабул қилинсин.

3. Ўзбекистон Миллий банкининг Самарқанд вилоят бўлимида очилган Имом Бухорий ёдгорлик мажмуи Бошқарув кенгашининг ҳисоб рақами Ўзбекистондаги юридик ва жисмоний шахслар, халқаро ташкилотлар ва хорижий фуқароларнинг хайрия маблағлари учун очик экани қайд этилсин.

4. Бошқарув кенгашининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланиши эътиборга олинсин:

— Ноёб меъморий иншоот бўлган Имом Бухорий ёдгорлик мажмуини талаб дара-

жасида сақлаш, асраб-авайлаш ва янада ободонлаштириш, унинг инфратузилмасини ривожлантириш;

— ушбу муқаддас кадамжонинг мусулмон дунёсидаги нуфузини янада ошириш, бу ерга маҳаллий ва хорижий фуқароларнинг кенг қўламадаги зиёратларини уюштириш, зиёратчилар учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш;

— Имом Бухорийнинг меъросини асраб-авайлаш, алломанинг ибратли ҳаёти ва фаолиятини кенг тарғиб қилиш;

— диний-маърифий ишлар, айниқса, ёшларни миллий ғурур ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашда Имом Бухорийнинг буюк меросидан самарали фойдаланишга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

5. Ёдгорлик мажмуига тушадиган маблағларнинг 85 фоизини бошқарув кенгаши вазифаларини амалга ошириш ва 15 фоизини Имом Бухорий республика илмий-маърифий марказининг фаолиятини юритиш учун йўналтирилиши кўзда тутилсин.

6. Маданият ишлари вазирлиги (Б. Курбанов), Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (А.Жўраев), «Ўзқоммуҳимизмат» агентлиги (У.Холмухамедов), Самарқанд вилоят ҳокимлиги (Ш.Мирзиёев) Имом Бухорий ёдгорлик мажмуини асраб-авайлаш, жорий таъмирлаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини олиб боришда Бошқарув кенгашига тегишли ёрдам кўрсатсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

I. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 17 сентябрь.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Муддатли ҳарбий, муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари сафларидан:

— муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар - резервга;

— муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар - заҳирага бўшатилинсин.

2. 1976-1985 йилларда тузилган, қақирлиш муддатини узайтириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 2003 йилнинг октябрь-ноябрь ойларига муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни

ўташга яроқли ҳамда қақирлиш муддатини кечиктириш ва қақирлишдан озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига қақирилмайдиган шахслар сафарбарлик чақируви резервга олинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги билан биргаликда Қуролли Кучларнинг қақирлувчилар билан сифатли бутланишини таъминлаш мақсадида жойлардаги чақирув комиссияларининг самарали ишларини ташкил этсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Ф.Ф.Назиров) Мудофаа вазирлиги (Қ.Ф.Фулмолов) билан биргаликда чақирув участкаларини зарур тиббиёт асбоб-анжомлари ва буюмлари билан таъминласин, қақирлувчиларнинг лаборатория текширувлари сифатли ўтказилишини, уларнинг турли ихтисосликдаги юқори малакали врачлар томонидан ҳар томонлама тиббий текшириб кўрилишини ташкил этсин. Чақирувчиларни тиббий текширишнинг ҳолислиги муқобил тиббий комиссияларнинг самарали ишларини ташкил этиш орқали таъминлансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

I. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 17 сентябрь.

ҚИСҚА САТТИҚИДА

• **БУГУН** Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармаси ва Соғлиқни сақлаш бoш бошқармаси ташаббуси билан Миробод туманидаги «Файзобод» маҳалласида «Оилада тиббий маданиятни ошириш, авлоднинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари» мавзусидаги давра суҳбати уюштирилди.

• **КЕЧА** «Дархон» кафесида иккинчи жаҳон урушидаги Курск ёйи жангининг 60 йиллигига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Тадбир Россиянинг мамлакатимиздаги элчи хонаси, «Ўзбекистон-Россия» дўстлик жамияти, «Росхорижиймарказ» ваколатхонаси ҳамда «Нуроний» жамғармасининг шаҳар бўлими томонидан уюштирилиб, унда уруш ва меҳнат фахрийлари иштирок этдилар.

• **КЕЧА** Ҳамза туманидаги «Бирлашган» маҳалласида хотин-қизлар комиссиясининг маҳалла фаоллари ҳамда туман ҳокимлиги вакиллари иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар
ҳокимлиги Матбуот
хизмати ва ўз
мухбирларимиз
хабарларидан.

ХУЎ Саҳоси

Барча маълумотлар
олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

• «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясига қарашли «Ўзтемирйўлмаштаъмир» ва «Ўзтемирйўлқонтейнер» ҳамда Россиядаги «Транспроспект» корхоналари негизда янги кўшма корхона ташкил этилди. Ҳар ойда ушбу корхонада темир йўллар тизимида фойдаланиладиган «Хумо-1» номли курилмалардан 35-40 минг донаси ишлаб чиқарилади.

• Кеча «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида DEDEMAN Silk Road меҳмонхонасида «Йилнинг энг яхши гоиси» ва «LG гранти» маърифий лойиҳасига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

• Навоий туманидаги Қодир Раҳимов номи ва Қасби туманидаги Алишер Навоий номи ширкат хўжалиқларида 2003 йил пахта ҳосилини ўз вақтида йиғиштириб олиш ва вилоятларда деҳқончилик ишларининг шу кундаги аҳволига бағишланган йиғилишлар бўлиб ўтди.

• Дўстлик туманидаги Хўжам Исроилов номи агрохизмат марказида болалар спорт мажмуаси куриб битказилди. Ундан футбол, волейбол, баскетбол, кўл тўпи майдонлари, ёпик спорт зали ва сув ҳавзаси ўрин олган.

• Андижон шаҳрида кўрғазмавий доимий чакана-улғурчи савдо ярмаркаси фаолият кўрсатмоқда. Унинг савдо залидан ўзимизда ишлаб чиқарилган мактаб кийимлари, тўй саруполаридан тортиб турли курилиш материалларигача ўрин олган.

Жаҳонда

• АҚШ федерал судининг қарорига кўра, Калифорния штати губернаторининг сайловлари аввал белгиланганидек 7 октябрда ўтказилмайди. Штатнинг 6 та округида овозларни йиғиш ва санаш учун анжомларнинг эскирганлиги туфайли, уларни алмаштириш зарурати туғилганлиги бундай қарорга сабаб бўлди.

• Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин Туапсе шаҳри яқинидаги денгиз бўйида жойлашган «Орлёнок» номи болалар марказида бўлди ва ундаги кулайликларга юқори баҳо берди.

• Австрия пойтахти Вена шаҳрида иш бошлаган МАГАТЭнинг бoш конференциясида Эрон, Ироқ ва КХДР ядро дастурлари билан бир каторда Исроилнинг ядровий салоҳияти ҳам таҳлил қилинади.

• АҚШ маъмурияти Шимолий Кореянинг Россия технологияси асосида қитъалараро янги баллистик ракета яратаятганлиги ҳақида маълумот тарқатди. Вашингтоннинг таҳминига кўра, ушбу ракета АҚШ ҳудудидаги ҳар қандай объектга этиб бориши мумкин.

Анжуманлар

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАР — ДАВР ТАЛАБИ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида журналистлар учун ижтимоий-иқтисодий муаммоларга бағишланган навбатдаги семинар бўлиб ўтди. Бу республикада амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишлари ва уларнинг амалий натижаларини ёритиш бўйича оммавий ахборот воситалари вакиллари билан мунтазам равишда ўтказилаётган семинарлар доирасидаги тўққизинчи учрашувдир.

Семинарлар республика ҳукуматининг «2002 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2003 йилда ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида» жорий йилнинг 17 февралда бўлиб ўтган мажлис қарорига мувофиқ Вазиранлар Маҳкамасининг Ижтимоий мажмуаси ҳамда Ахборот-таҳлил бошқармаси, «Ўзтелерадио» компанияси, Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан уюштирилмоқда.

Бундай учрашувларни ўтказишдан мақсад журналистларни ахборот ва маълумотлар билан методик услубий тарзда қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётни ислох қилиш жараёнининг оммавий ахборот воситаларида ҳолисона ва чуқур ёритилиши учун имкониятларни кенгайтиришдан иборатдир.

Навбатдаги семинар республика аҳолисининг ҳаётий манфаатларига беvosита дахлдор ҳамда долзарб мавзу — коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги ислохотларга бағишланди.

Семинарда сўзга чиққан «Ўзкоммунизмат» агентлиги ва Молия вазирилик мутасаддилари ҳамда мутахассислари коммунал соҳада амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг стратегияси, устуворликлари, механизмлари ва бошқичларини батафсил баён қилиб берди. Ушбу йўналишдаги асосий муаммоларни ва ишларнинг ҳолатини таъкидлади. Шунингдек, республиканинг иқтисодий, тармоқ органлари ва бошқа органлари, барча даражалардаги маҳаллий ҳокимият, бошқарув ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг ва коммунал хизматлардан фойдаланувчиларнинг ҳукумат томонидан тасдиқланган Коммунал хизмат кўрсатиш тизимидаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш концепциясини амалга оширишдаги вазифаларига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Йўналишда коммунал тўловларга тарифларни шакллантириш ва ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш масалалари, қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва газ билан таъминлашнинг аҳоли, газ ва сув ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш юзасидан берилган саволларга атрофлича жавоб қайтарилди.

Орзуғул РУСТАМОВА.

Маълумки, бир ой аввал, 20 августда барча ўқув юртлири қаторида шаҳар мактаблари ҳам янги ўқув йилига тўлиқ тайёргилиги тўғрисида ҳисобот берганди. Ўқув йилига тайёргарлик кўриш борасидаги дастур мажмуавий тарзда амалга оширилишини инobatга оладиган бўлсак, халқ таълими тизимидаги коммунал масалалари ҳам ҳал этилган бўлиши лозим эди. Бироқ ўқув жараёнининг учинчи ҳафтаси давом этаётган бир пайтда, шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси маълумотиغا кўра, бир қатор мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларида иситиш тизими билан беvosита боғлиқ анча-мунча таъмирлаш-профилактик ишларига ҳануз қиришилмаган.

Манзилли дастур бўйича 2003 йилда

таъмирлаш учун 103 миллион сўм талаб этилган бўлса, ушбу маблағнинг атиги 5 фоизи ажратилиб, 10 та муассасада жорий таъмирлаш ишлари бажарилган. Айни пайтда 16 та мактаб ва мактабгача тарбия муассасасида эса иситиш тизими носозлигича қолмоқда, бешта мактабнинг томидан чакка ўтишининг қачон олди олиниши ҳам аниқ эмас.

Яккасарой тумани бўйича жорий таъмир учун режалаштирилган 72 миллион сўмнинг 30 фоизи қопланган. Собир Раҳимов тумани бўйича 7,5 миллион сўмлик ишлар амалга оширилган, аммо таъмирлаш жараёни тўлиқ тугатилиши учун катта маблағ — 100 миллион сўм керак бўлади. Юнусобод, Ҳамза, Мирзо Улуғбек туманларида ҳам аҳвол қониқарли эмас.

МАКТАБЛАР ҚИШКИ МАВСУМГА ТАЙЁРМИ?

Шаҳар ижтимоий мажмуаси йиғилишида кенг тарзда муҳокама қилинган ушбу масала юзасидан бирон бир аниқ хулоса чиқаришга ҳали вақт бор чоғи.

111 та халқ таълими муассасасида 356 миллион сўмлик капитал таъмирлаш ишлари бажарилиши кўзда тутилган бўлса, бугунги кунга келиб белгиланган маблағнинг атиги учдан бир қисми қопланмай қолган. Шунга қарамадан фақат Миробод, Ҳамза, Чилонзор, Яккасарой ва Сергели туманлари бўйича атиги тўртта мактаб ва учта мактабгача тарбия муассасасида тубдан таъмирлаш ишлари давом этмоқда. Аммо Сергели туманида бошқа туманлар билан таққослаган ҳолда режа бўйича маблағнинг асосий қисми ажратилган бўлсада, тубдан таъмирлаш рўйхатига тушган 15 та муассасадан учтасида таъмирлаш ишлари ҳали-вери тугатилиши гумон бўлиб қолмоқда.

Харажатлар сметасига мувофиқ Шайхонтоҳур тумани бўйича барча белгиланган маблағ (30 миллион сўмдан зиёд) ажратилган, Яккасарой тумани бўйича эса 100 фоиз бажарилган ишлар учун фақат 1,4 миллион сўм маблағ қопланиши қолган ҳолос. Лекин, афсуски, юқорида айтиб ўтилган туманлар жорий таъмир бўйича анча орқада қолмоқда. Чунки, Шайхонтоҳур тумани бўйича иситиш тизимини профилактикадан ўтказиш ва томни

Барчага яхши маълумки, ҳар йили келгуси киш мавсумига тайёргарлик аънанвий тарзда баҳорда, иситиш мавсуми тугатилиши билан бошланади. Демак, бу борада белгиланган ишларни муддатида бажариш учун етарли вақт бўлган. Шу ҳам аёнки, бугун, бозор иқтисодиёти шароитида буюртмачи ва пудратчи ўртасидаги ўзаро муносабатлар бутунлай ўзгача шаклланмоқда. Бу борада энг муҳими, икки томон ўзаро келишув шартномасига қатъий риоя этиши зарурдир. Бу тушунарли албатта, бироқ гап ижтимоий йўналишдаги муассасалар, аниқроқ қилиб айтганда бўлсак, болалар соғломлиги хақида борганда, маблағ йўқлигини асос қилиб хотиржам бўлиш ўринлимикин? Молиялаштириш масаласи устида энди, қишга оз вақт қолганда эмас, балки ўз вақтида қайғурилганда мақсадга мувофиқ бўлармики? Шундай бўлса ҳам, мутасадди хизматлар ҳамда ушбу масалага ваколатли мансабдор шахслар ўз ваъдаси устидан чиқиб, барча қолган ишларни 25 сентябргача бажаришига умид қиламики.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА.


• ИҚТИСОДИЁТ

БУЮРТМАЧИЛАР СОНИ ОРТМОҚДА

Рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш ва шу асосда харидор талабини қондириш, энг муҳими республикамиз иқтисодиёти ривожига муносиб улуш қўшиш мақсадида иш бошлаган «Акватех» масъулияти чекланган жамияти тadbиркорларининг изланишлари ўз самарисини бериб, буюртмачилар сони тобора ортиб бормоқда.

Мамлакатимизда ўтказилаётган кўрғазмаларда ўз маҳсулотлари билан фаол иштирок этаётган корхонанинг кўплаб салоҳиятли буюртмачилар эътиборини тортаётгани унинг муваффақиятлар сари одимлашида муҳим ўрин тутмоқда.

— Мутахассисларимиз томонидан тайёрланаётган ва ишлаб чиқариш йўлга қўйилаётган сув тозалаш ускуналари, — дейди корхона директори Булат Сафаров, — бугунги кун талабига тўла жавоб беради. — Ушбу маҳсулотларимизга нафақат мамлакатимизда, балки кўшни Қозоғистон, Туркменистон ва Тожикистон республикаларида ҳам қизиқиб ортиб бормоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш ўринлики, маҳсулотларимиз фақат сифати эмас, балки нисбатан арзонлиги билан ҳам ажралиб туради. Мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, «Асака» банки бўлимининг ускуна билан жиҳозлаш учун эълон қилган тендерда анигина хорижий компаниялар иштирок этишига қарамай, ушбу юмушни янада эшитиш корхонамизга насиб этди. Чунки биз бирмунча ихчам, қиммат бўлмаган нархдаги ускунани сервис хизмати билан биргаликда тақлиф этдик.



Корхона жамоаси кўпчиликни ташкил этмайди, негаки бу ерда ускуна тайёрлаш технологик жараёнлари электроника ёрдамида бажарилади. Бутловчи қисмларнинг кўпчилигини, яъни насос ва қрандан ташқарисини ўзлари тайёрлашади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг барчаси сертификатга эга. Шуниси қувонарлики, тadbиркорлар оғмири учун эмас, балки буюртмачилар асосида харидор учун маҳсулот тайёрлайди. Корхона маҳсулотларининг асосий буюртмачилари газланган салқин ичимликлар тайёрловчи фирмалар, даволаш муассасалари, ишлаб чиқариш корхоналари, спорт ташкилотлари ва бошқалардир. Сифатга қара- тилган эътибор боси ҳам самарадорлик йил сайин ортиб бормоқда. Агарда 2001 йилда жамоада 14 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, ўтган йилда ушбу рақам салкам 4 бараварга ортиб 58 миллион сўмни ташкил этди. Жорий йилда эса тadbиркорлар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини янада оширишга ҳаракат қилишмоқда. Унинг мутахассислари бозорни ўрганиб, янги маҳсулот турларини яратиш устида тинмай изланишмоқда. Шу боис бўлса ке-

Шу йилнинг ноябрь ойида Тошкентда «Ўзбекистонда сайёҳлик хизматларини тақомиллаштиришнинг иқтисодий дастаклари» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди. Тadbирини Тошкент давлат иқтисодиёт университети уюштирмоқда.

БУЮК ИПАК ЙЎЛИ САЙЁҲЛИГИ

— Анжуманда Ўзбекистондаги халқаро ва миллий сайёҳликни ривожлантиришга масъул ҳукумат тузилмалари, ҳимий халқаро ташкилотлар, Олий Мажлис ҳузуридаги Мониторинг институти мутахассислари, шунингдек оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этади, — деди ТошДИУ халқаро сайёҳлик факультетининг декани Муҳаммадбек Эрматов «Туркистон-пресс» муҳбирига. — Бундан ташқари, анжуманга сайёҳлик фирмалари, сайёҳларга хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган ноҳукумат ташкилотлари ҳам тақлиф этилади.

Анжуманинг ўтказилиши туризм соҳасида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларни маркетинг дастурларига киритиш юзасидан тавсияларни ишлаб чиқишга кўмаклашади. Бу мутахассисларни ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан ўсишига омил бўлиши лозим. Пироварднатихада сайёҳлар, валюта оқими ўсади. Меҳмонхона ва транспорт қувватларидан фойдаланиш кучаяди. Аҳолининг иш билан бандлиги таъминланади.

— Бу ерда истиқболлар муҳокама қилиниши билан бирга сайёҳлик соҳасидаги мавжуд муаммолар ҳам кўриб чиқилади, — деди ТошДИУ «Сайёҳлик сервис» кафедраси мудири Даря Ли. — Салбий ҳолатларни бар- тараф этиш иқтисодиётнинг мазкур соҳасини мустаҳкамлаб, уни етакчи тармоқлардан бирига айлантириш имконини беради.

Шунингдек анжуманда Ўзбекистондаги сайёҳлик заҳираларидан фойдаланиш, соҳани ривожлантиришнинг иқтисодий жиҳатлари, кадрлар тайёрлаш, сайёҳликнинг ўзбек моделини ўзига ҳосилликларини аниқлаш масалаларини кўриб чиқиш тақлиф этилмоқда.

Ташкилотчилар тақлиф ва тавсияларни ҳамма учун, аниқса, сайёҳликда давлат сисъатини шакллантириш билан шуғулланувчилар, сайёҳлик агентликлари ва меҳмонхоналарда ишловчилар, институт ва коллежаларда ушбу йўналишда таҳсил олаётганлар, шунингдек «Буюк ипак йўли» глобал сайёҳлик лойиҳаси доирасида Ўзбекистон билан алоқаларни ривожлантиришни истовчи чет эл компаниялари учун очиб қилиб қўяди.



рак, улар Миробод туманида ўтказилган «Ташаббус-2003» кўрик танловида «Энг яхши тadbиркор» номига сазовор бўлишган.

Хозирги кунда янги маҳсулот турлари устида изланаётган корхона аҳли бизнес-режа тўзиб, кредит олишни режалашмоқда. Ихчам, ҳаётимиз манбаи, турмушимизда зарур бўлган сувини тозаловчи «Акватех» ускуналари тайёрлашни янада кенгайтириш, маҳсулот экспортини кўпайтириш — тadbиркорларнинг келгуси мақсадлари сирасига қиради.

Шарифа ИЛISOVA СУРАТЛАРДА: корхона маҳсулотларидан бири; пайвандчи Рафазэл Кривидини ўз ишини сикдидилдан бажаришга одатланган. Тохир Нигматуллин олган суратлар.

Санъат

ЁШ
ТОМОШАБИНЛАР
МАНМУН

Бундан 15 йил аввал пойтахтимизда янги театр-студия ўз фаолиятини бошлаган эди. «Томоша» деб номланган мазкур ижодий гуруҳ ёш томошабинларга атаб талайгина постановкаларни тайёрлади.

Фольклор асарлари асосида сахна юзини кўрган бу спектакллар мусиқали лавҳаларга, кизикarli воқеаларга бойлиги билан ҳам ёшларга манзур бўлмоқда.

Театр-студиянинг чет эл ижодий сафарлари ҳам яхши ўтмоқда. Германия, Голландия, Россия каби хорижий мамлакатларга уюштирилган гастрол томошалари унинг ижодий камолотидан далолат бериб турибди.

«Томоша» янги тайёрлаган постановкасини Ўзбекистон Мустақиллигининг 12 йиллигига бағишлади. Бу спектаклнинг дастлабки томошабинлари Тошкентдаги меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари бўлиши.

ТЕАТР-СТУДИЯГА
БАҒИШЛАНГАН
НАШР

Бу театр-студия тузилганда у кичик ижодий гуруҳ сифатида фаолият кўрсатарди. Вақт ўтиши билан унинг нуфузи орта бориб, томошабинларнинг севимли санъат даргоҳига айланди.

Бу ерда гап Тошкентдаги «Илҳом» театр-студияси тўғрисида бормоқда. У бундан салкам 30 йил олдин ташкил топди. Ҳар бир ижодий мавсумда театр сахнасида янги-янги спектакллар намойиш қилинди.

Шу тариха театр ўзининг бой репертуарини яратди. Бу постановкалардан айрилари чет эл гастрол репертуарига киритилди.

Яқинда ўзининг 28-ижодий мавсумини бошлаган «Илҳом» театр-студияси учун бу йил қулуг келди. Унинг жўшқин ижодий фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи китоб ҳам босмадан чиқди.

Ушбу нашрни босмага тайёрлашга Очк жамият — Ўзбекистон кўмак институти яқиндан бош қўшди.

БИР ЙЎЛА
ИККИТА КЎРГАЗМА

Ўзбекистон Давлат санъат музейи жамғармаса экспонатларга бэй. Ана шу дурдона асарлар асосида иккита янги кўргазмани очиш тараддуи кўрилди.

Рус тасвирий санъатининг ноёб асарларидан ташкил топган экспозиция томошабинларга манзур бўлмоқда. Бу ерда 200 га яқин картина, пейзаж ва портрет асарлари намойиш қилинмоқда.

Ўзбек тасвирий санъати тарихидан ҳикоя қилувчи иккинчи кўргазма эса шу яқин орада томошабинлар эътиборига ҳавола қилинади. Бу экспозициядан ўрин оладиган йирик полотнолар XIX ва XX асрларда ижод қилинган тасвирий санъат асарларидан иборат бўлади.

Акбар АЛИЕВ

АНЖУМАНЛАР ҲАР ТОМОНЛАМА ФОЙДАЛИ МУЛОҚОТ

Тумандаги 113-мактабгача таълим муассасаси қошида бўлиб ўтган ушбу анжуманда «Таълим жараёнида интерактив усуллардан фойдаланишга доир дидактик кўргазмалар билан таништириш», «Мактабгача таълим ёшидаги болаларни соғломлаштиришда интерактив усуллардан фойдаланиш», «Кадрлар билан ишлашда интерфаолик», «Ривожлантирувчи амалий муҳитни ташкил этиш ва ривожлантирувчи йўлларнинг таълим-тарбия жараёнидаги ўрни», «Таълим-тарбия жараёнини янги-ча усулда ташкил этишни таъминловчи услубий қўлланмалар», «Болалар билан ишлаш жараёнида интерактив усулларни қўллаш» каби қатор мавзуларда фикр юритилди. Кўрилган масалалар бўйича савол-жавоб, баҳс-мунозаралар шўба ишининг жонли, таассуротларга бой тарзда ўтишига хизмат қилди.

Маълумки, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг 1-босқичида кўзда тутилган мактабгача таълим ёшидаги болалар таълим-тарбияси-

усуллардан фойдаланиш, янги-ча иш кўринишларини татбиқ этиш долзарб вазифалардан биридир.

Тадбирда интерактив усуллардан фойдаланишга доир дидактик кўргазмалар намойиши ҳам бўлиб ўтди.

— Бугунги анжуман, кизикарли фикр-мулоҳазалар, ранг-баранг мавзу ва кўргазма ўйлайманки, барча иштирокчиларда катта таассурот қолдирди ва ҳар томонлама фойдала бўлди,—дейди Мирзо Улуғбек тумани ХТБ мактабгача таълим услубчи Дилобар Зайнутдинова. —Ўсиб келаётган ёш авлодга таълим-тарбия беришда, фан-техника жадалли билан ривожланаётган асримизда илгор фикрли, соғлом гоёяи бундай анжуманлар тез-тез ўтказиб турилиши керак менимча.

(Ўз мухбиримиз)
СУРАТДА: 113-

мактабгача таълим муассасасида бўлиб ўтган анжумандан лавҳа.

Александр Безручко олган сурат.

Мирзо Улуғбек тумани халқ таълими мактабгача таълим муассасалари педагогик ходимлари учун «Таълим жараёнида интерактив усуллардан фойдаланиш омиллари» мавзусида тадбир ташкил этилди.



га қўйиладиган давлат талаблари, «Учинчи минг йилликнинг боласи» таянч дастурини жорий этишнинг комплекс тадбирларини амалиётга жорий этиш жараёнида интерактив

ТОШКЕНТДАГИ ШЕРИКЛИК
УЧРАШУВЛАРИ

Тошкентда ГФР технология ва иқтисодиёт вазирлигининг «Иқтисодиётнинг ўрта бўғинида инновация лаёқатлилиги» дастури доирасида Ўзбекистон ва Германиялик эксперт ва мутахассисларнинг икки томонлама шерикчилик учрашувлари бўлиб ўтди. У немиш иқтисодиётининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва Саноат тадқиқот бирлашмалари ишчи ҳамдўстлиги (AIF) кўмагида ташкил этилди.

Учрашувнинг мақсади атроф-муҳит муҳофазаси, чиқиндиларни қайта ишлаш, энергиянинг қайта тикланадиган манбалари, қишлоқ хўжалиги, мейморчилик ва қурилиш, таълим ва ахборот технологиялари соҳаларида тадқиқий шерикчиликни ўрнатишдан иборат.

Немиш делегацияси таркибида федерал вазирлик вакиллари Роземари Бланк, Игорь Луковенков ва 13 та инновация фирмалари ва илмий муассасаларнинг вакиллари иштирок этди. Ўзбекистондан эса саноат корхоналари, сув муаммолари, атмосфера, нефть ва сув, геология ва геофизика, ядро физикаси, кимё ва полимерлар илмий тадқиқот институтлари, шунингдек Бошгидромет, Гидроэнерго, Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси вакиллари иштирок этди.

— Германиядаги корхоналар бутун дунёда янгиликларни татбиқ этишга мойиллиги билан танилган, — деди йилгилишда сўзга чиққан Р.Бланк. — Айнан шу боис у ердаги кичик корхоналар кўпича ихтисослашган бўлиб улар инновация хизматлари ва товарларини тақлиф этишлари мумкин. Халқаро кооперация бунга самарали ёрдамлашади. Бир вақтнинг ўзига у иқтисодий тараққиётнинг катализатори

воситасини ўташи, хусусий ишбилармон доиралар мавқеини мустаҳкамлайди ва икки мамлакатда иш билан бандликни таъминлайди. Шундай қилиб у давлатларимиз орасидаги иқтисодий муносабатларни чуқурлаштиришга сезиларли улуш қўшиши, уни кенгайтиришга мустаҳкам замин яратиши мумкин. Бундан ташқари, яхши ишлайдиган шерикчилик икки шерик фойдасига бошқа мамлакатларда рақобатбардошликни мустаҳкамлайди.

Учрашув чоғида Германия кичик ва ўрта инновация корхоналари ва ўзбек шериклар уч йўналиш бўйича, хусусан, тадқиқот лойиҳалари, амалий тадқиқотлар ўтказишга буюртмалар ва мутахассислар алмашиш борасида фикр алмашдилар. Шу муносабат билан кооперация биржаси очилди, унинг доирасида ўз технологиялари ва қўшма ишланмаларни сотиш, ускуна ва жиҳозларни етказиб бериш бўйича битимлар тузиш мумкин.

Германиялик вакиллар Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитасида, Ўзбекистон Фанлар академиясининг «Физика-қуёш» бирлашмасида ва бошқа турдош корхоналарда бўлишади.

САХОВАТ

Халқимиз азал-азалдан бағри кенг, саховатли. Айниқса кекса, ногирон, кўмакка муҳтож кишиларга ҳамиша беминнат ёрдам кўрсатиб келган. Ҳозирги кунда шахримиз туманларида фаолият юритаётган «Нуроний» жамғармалари ҳам мана шу эзгу одатга риоя қилиб келмоқда.

КЕКСАЛАР
ЭЪЗОЗЛАНДИ

Куни кеча Сергели тумани «Нуроний» жамғармаси ва саховатпеша тадбиркорлар томонидан ўтказилган катта хайрия тадбири ҳам ушбу хайрли мақсадларни ўзига муҳасам этди.

Кўнгиллар кўтарилиб, кексалар эъзоз топган ушбу тадбирга тумандаги 33та маҳаллада истиқомат қилаётган кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногирон инсонлар тақлиф этилди.

—Беминнат ёрдам қўлини чўзаётган саховатпеша инсонлар бор экан, юқимиз ерда қолмайди,—дейди Сергели тумани «Нуроний» жамғармаси расиси Баҳодир Курбонов.—Улуғ айём кунларида хусусий тадбиркор Саъдулла Жабборов, «Эхсонмаркет» фирмаси раҳбари Абдулазиз Эрназаров, «Жаҳонғир» хусусий фирмаси раҳбари Саъдулла Жабборов, хусусий нотариал идора раҳбари Нигора Носироваларнинг кўрсатган ёрдамларини алоҳида таъкидлагим келади. Улар тадбирга келолмаган, ёлғиз, ўрндан туролмайдиган ногиронларнинг уйларига бориб ҳам моддий, ҳам маънавий томондан катта ёрдам кўрсатдилар.

Тадбирда бир пиёла чой устида кекса отахону онахонлар дилдан сўхбат қурдилар, ёшликнинг ўчмас хотиралари, меҳнат-

да эришган муваффақият ва уюқлари, хотираларида бир умр муҳрлини қолган ўчмас лаҳзалар билан ўртоқлашдилар. Юртимизнинг тинчлиги-омонлиги, эл фаровонлиги йўлида эзгу тилак билдириб, дуога қўл очдилар. Тадбир иштирокчиси бўлган Спутник-1 даҳаси, 66-уй 3-хонадонда истиқомат қилувчи, 2-гуруҳ ногирони Михаил Светков ўз миннатдорчилигини шундай изҳор этди.

—Мен бугунги тадбир ташкилотчиларига катта раҳмат демакчиман. Биз каби ногиронларнинг кўнглини кўтаришга ҳаракат қилаётган инсонларнинг ҳамиша ҳаётда омади келсин. Менинг кўзим ожиз, лекин биронта тадбирдан четда қолдирмай тақлиф қилишади, ҳолимни сўрашади, ёрдам кўрсатишади. Раҳмат, яхши одамларга.

Тадбирда иштирок этаётган, 100 ёшдан ошган табаррук кексалар С.Умарова, С.Назарова, эр-хотин О.Жўраевлар ҳам тўлқинланиб дил изҳорларини баён этдилар.

Дилрабо қуй-қўшиқлар янграган, дилдан сўхбат қурилган ушбу кун тадбир иштирокчиларининг узок вақт ёдларида сақланиб қолиши шубҳасиздир.

Шоира МУҲАМЕДОВА.

Ёшларда спортга бўлган ҳавас ва интилишни қондириш, жамиятимизда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишни янада кучайтириш, болалар спорт базасини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида барча туманларда болалар спортини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш бўйича етакчи мутахассислар тайёрланиб, уларга зарур шарт-шароитлар яратиб берилди. Туман ҳокимлари бошчилигида ишчи гуруҳлари тузилиб, ҳомий ташкилотлар, маҳалла оқсоқоллари, таълим муассасалари раҳбарлари билан биргаликда бажарилиши лозим бўлган вазифалар ва Тошкент шаҳрида болалар спортини ривожлантиришни 2003-2005 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди.

Спорт залига эга бўлмаган умумтаълим мактаблари, ўрта махсус касб-хунар таълими ўқув муассасалари ва олий ўқув юртлири учун спорт залларини қуриш ҳамда жиҳозлаш бўйича 2004-2008 йилларга мўлжалланган дастур, шунингдек, давждур спорт залларини таъмирдан чиқариш дастурлари, Тошкент шаҳрининг 6 та туманида 2003 йил давомида янги спорт мажмуаларини барпо этиш бўйича тақдирлар ишлаб чиқилди. 2003-2005 йилларда спортнинг қайси турларини ривожлантиришни белгилаш бўйича илмий асосланган таҳлиллар ўтказилди. Умумтаълим мактаблари, ўрта махсус ўқув юртлири, олий ўқув юртлирида спорт турлари бўйича қўшимча очилиши лозим бўлган секциялар қўриб чиқилди. Ҳозирда ушбу дастурларни ҳаётга таъбиқ этиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг 2003 йил 7 февралдаги йиғилишидан сўнг махсус ишчи гуруҳи тузилди ва Тошкент шаҳрида болалар спортини ривожлантириш чора-тадбирларининг 2003-2005 йилларга мўлжалланган 5 та йўналиши бўйича дастур тайёрланди. Улар амалга оширилиши лозим бўлган амалий ишлар, болаларни оммавий спортга жалб этиш орқали уларни соғломлаштириш бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари, кадрлар тизимини яратиш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, болалар профессионал спортини қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Жамғарманинг моддий-техника базасини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида юздан ортиқ корхона-ташкilotларга моддий ёрдам кўрсатиш бўйича хатлар юборилди.

Шаҳардаги 317 та мактаб ҳамда коллеж ва лицейларда 434.133 нафар 6 ёшдан — 17 ёшгача бўлган ўқувчи таълим оладиган бўлса 87.476 нафар ўқувчи спорт билан мунтазам шугулланади, 46.749 нафари спорт мактабларида таълим олишади.

Шаҳримиздаги 464 та таълим муассасаларида (мактаблар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлири кўшганда) 663 та спорт заллари, 813 та спорт майдончалари, 23 та очик ва 22 та ёпик сузиш ҳавзалари мавжуд бўлиб, унда 2143 та спорт секциялари ишлаб турибди.

Ёшлар ўртасида ўтказилган сўровлар натижасига кўра 124772 та боладан 68610 нафар ёшлар янги спорт секцияларининг очилишига ижобий фикр билдириб, уларда бажонидил қатна-

ПУХТА ВА АНИҚ РЕЖАЛАР АСОСИДА

Фарзандларимизнинг соғлом ва бақувват бўлиб вояга етишлари, юртимизда амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига мувофиқ фаолият кўрсатиш ҳамда соғлом турмуш тарзига интилиш ва спортга меҳр-муҳаббатни сингдириш, болалар оммавий спортини ривожлантириш мақсадида бундан ўн бир ой муқаддам Ўртбошимиз ташаббуслари билан Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг тузилганлиги айни миллионлар кўнгидаги иш бўлган эди. Ўтган қисқа вақт ичида жамғарма томонидан спортнинг волейбол, баскетбол, футбол, сузиш каби оммавий турлари бўйича эътиборга лойиқ ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда жамғарманинг иш режаси асосида жамоат ташкилотлари, маҳаллиги қоралар ва ўзини-ўзи бошқариш органлари вакилларида иборат комиссиялар жойларда спорт тўғрисидаги ишларни амалга ошириш бўйича аниқ ишларни олиб бормоқда. Бу борада шахримизда ҳам пухта режа асосида фаолият юритилмоқда.

иши истагида эканликларини айтдилар. Шу кунгача спортнинг 17 тури бўйича 52 та янги секциялар очилди. Ушбу янги спорт секцияларида 2936 нафар болалар спортнинг турли йўналишлари бўйича шугулланмоқдалар.

Жамғарма ташкил этилгандан буён айна кунга қадар шаҳардаги таълим муассасаларидаги спорт мажмуаларининг 75 таси таъмирланди. Ёшларнинг спорт билан мунтазам шугулланишлари учун ҳомий ташкилотлар томонидан спорт жиҳозлари билан таъминлаш мақсадида 26 миллион 692 минг сўм миқдорда маблағ ажратилди. Республика футбол Федерацияси ҳамда «Соғлом авлод» жамғармаси томонидан футбол тўпи, спорт кийимлари ва велосипедлар тақдим этилди. Шунингдек спорт кийимлари ҳамда анжомларини ишлаб чиқарадиган корхона ва ташкилотлар билан шартномалар тузилмоқда.

Мавжуд 317 та мактабда спорт иншоотлари ҳолати таҳлилдан ўтказилганда, 81 та мактабда 2 тадан спорт заллари борлиги билан бир қаторда 17 та мактабда уларнинг умуман йўқли-

ги аниқланди. Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимидаги 120 та ўқув юртлидан 32 тасини спорт заллари жорий, 20 та ўқув юрти спорт зали капитал таъмирга муҳтожлиги аниқланди.

Туманлардаги аҳоли зичлигини ва болаларнинг спортга бўлган қизиқишларини ҳисобга олиб, шаҳар бўлими томонидан 2003-2005 йилларда Шайхонтоҳур ва А. Икромов, Сергели ҳамда М. Улуғбек ва Юнусобод туманларида жорий йилнинг ўзида ҳомий ташкилотлар томонидан 6 та ўқув юртлири учун спорт залларининг қурилиши амалга ошириш режалаштирилган.

Ҳозирги кунда ҳар бир тумандаги маҳаллаларда спорт майдонлари таъмирдан чиқаришмоқда. Бу борада маҳалла фаоллари, тадбиркор ва ҳомийлар ўрта ёрдам ўрмоқдалар. Шаҳар Халқ таълими бош бўшқармасининг савб-ҳаракати билан мактабларида спорт залларини таъмирлаш ишлари олиб боришмоқда. Масалан, Собир Раҳимов туманидаги 326-, 11-

, Турсун Хўжаев номидаги билим юрти, Чилонзордаги 270-, Шайхонтоҳур туманидаги 38-, 45- ва Хотин-қизлар коллежи, Сергелидаги 271-, Мирзо Улуғбек туманидаги 241- ва бошқа мактаблар шулар жумласидандир. Бундан ташқари энг яхши иш олиб бораётган жамоалар учун шаҳар ҳокимининг қарорига кўра «Энг намунали спорт зали ва майдонига эга бўлган мактаб» танловини ўтказмоқдамиз.

Болалар спортини оммавий спортга, уни ривожлантиришни оммавий ҳаракатга айлантириш мақсадини ўз олдига қўйган Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик Кенгашининг навбатдаги мажлисида жисмоний тарбия ва спорт йўналиши бўйича кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасаларининг бакалаврият, магистратура ва махсус сиртки бўлимларида болалар спортини учун педагог-мураббий кадрлар тайёрлаш вазифаси қўйилди. Ишларимиз, режаларимиз кўп, лекин биз ҳозирча бор имкониятлардан унумли фойдаланиб, спорт соҳаси фидойилари, спорт фах-

рийлари, педагог-тарбиячиларни маҳаллаларда оммавий тарзда спортга, мураббийлик ишларига жалб этмоқдамиз. Шу билан бир қаторда пуллик йирик спорт мажмуаларига маҳалла оқсоқолларининг тавсияларига мувофиқ кам таъминланган оилалар фарзандларининг бепул қатнашларига шартли яратмоқдамиз. Айни, ёзи таътил кунларида болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида маҳаллаларда оммавий ва оилавий спорт тадбирларини ўтказдик.

Барча тадбирлар Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» Ёшлар Ижтимоий Ҳаракатининг Тошкент шаҳар бўлими, Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ва бошқа давлат, нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда ўтказилмоқда.

Туман маҳаллаларида ўтказилаётган «Обод маҳалла», «Соғлом авлод» мавзусидаги тадбирларда иштирок этмоқдамиз. Жумладан, Оқтепа мавзесида таниқли футболчилар, спорт усталари ва фахрийлари билан учрашув ташкил этилди. Бундан асосий мақсад соғлом ҳаёт тарзини тарғиб қилиш ва болаларни оммавий спорт билан шугулланишига жалб этишдир.

Шу билан бир қаторда вояга етмаган болаларнинг спорт билан шугулланиши ва бўш вақтларини фойдаланиш ишларга қаратиш мақсадида маҳаллаларда етакчи спорт усталари ва фахрийлари билан учрашувлар ташкил этиб келинмоқда. Бунга Сергели, Шайхонтоҳур, М. Улуғбек туманларида бўлиб ўтган тадбирларни мисол қилиб келтирсак бўлади.

Ўтказилган мусобақаларни сарҳисоб қилсак,

Тошкент шаҳри бўйича 29791 нафар ўқувчи-ёшлар мусобақаларда иштирок этишиб, шулардан 20636 нафари ўғил болаларни ва 9155 нафари қиз болаларни ташкил этди.

Ҳойларда, маҳалла, туманларда болалар орасида соғлом ҳаёт тарзини тарғиб этиш, болаларни оммавий спорт турларига яқиндан жалб этиш мақсадида режалар ва дастурлар асосида хилма-хил тадбирлар, учрашувлар ўтказилиб келинмоқда.

«Ота-онам ва мен — спортчи оила», «Футболимиз келажиги», «Биз ёш пахтакорчиларимиз», «Оммавий югуриш марафони», боғчаларда миллий кураш ва ҳаракатли ўйинлар эстафеталари, спортнинг техник турлари бўйича оммавий тадбирларни доимо ўтказиш билан бирга Республика ва Тошкент шаҳридаги юқори спорт натижаларига эришган спортчи ва мураббийлар билан учрашувлар ҳам айнан юқоридаги мақсадларни қўзлаб ўтказилмоқда.

Ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий саломатлигини шакллантириш, соғлом турмуш тарзига интилиш ва спортга меҳр-муҳаббат уйғотиш мақсадида мамлакатимизда болалар спортини том маънода ривожлантиришга ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз лозим. Зеро, эртани мий пойдеворининг соғлом ва бақувват, аклан тийрак, манан баркамол бўлиб вояга етиши келажак тараққиётига хизмат қилади.

Аскар ТОЛИБЖОНОВ,
Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими раиси.

• ТАДБИРЛАР

ДЎСТЛИК ГОЛИБ ЧИҚДИ

Ёшларимизнинг маънан етув ва жисмонан баркамол бўлиб вояга етишларида спортнинг ўрни катта эканлиги сир эмас. Туманларда фаолият юритаётган Болалар спортини ривожлантириш жамғармаларининг етакчи мутахассислари ҳам қатор спорт мусобақаларини ўтказиб хайрли мақсад йўлида иш олиб бормоқдалар.

Жумладан, Яққасарой туманида жойлашган Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида 12-14 ёшли ўғил болалар ўртасида ўтказилган спорт мусобақалари ҳам айнан шу хайрли мақсадларни кўзлаб ташкил этилди.

— Туманда 17 та маҳалла мавжуд бўлса, ҳар биридаги спорт майдончаларини таъмирлаб, спорт анжомлари билан таъминлаб беришга ҳаракат қилмоқдамиз, — дейди туман Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг

эришиш, спортга бўлган қизиқишларини оширишдан иборатдир.

Мусобақалар фақат спортнинг футбол тури бўйича эмас, балки стол тенниси, шахмат-шашка, катта теннис бўйича ҳам ўтказилди.

Қизгин кураш, баҳс-мунозараларга бой бўлган ушбу мусобақа барча қатнашчиларга манзур бўлди. Туман маданият уйи ҳаваскорлари ижросида янграган дилрабо куй-қўшиқлар даврага қатнашчиларни чорлаб кўтаринкилик бахш этди.

Мусобақа сўнггида барча қатнашчилар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

• ДИЛДАГИ ГАПЛАР

Мустақил диёримизда ҳукуматимиз ва шахсан Президентимиз ташаббуси билан «Универсиада», «Баркамол авлод», «Умид ниҳоллари» сингари спорт мусобақаларининг ўтказилаётганлиги ёшларимиз ҳаётида ўзгача мазмун ва аҳамият касб этмоқда. Шунинг учун ҳам ўрта таълим муассасаларида таълим-тарбия олаётган ўқувчиларимиз орасидан спортнинг турли соҳаларида ўтказилаётган мусобақаларда туман, шаҳар, Республика биринчиликларида зафар кучиб, голиблик шохсупасига кўтарилаётган ёшларимиз сафи тобора ортиб бормоқда. Улар қатор хорийжий давлатларда Ўзбекистон номини дунёга танитмоқдалар. Биз Шайхонтоҳур туманидаги Фафур Фулом номидаги 169-мактабнинг 1-синф ўқувчилари, спортнинг каратэ ва кикбоксинг, сузиш ва теннис тўғрисида муваффақиятли қатнашиб, тенгдошларига ўрнатилган жажжи спортчилар билан дилдан сўхбатлашдик.

МЕН ЧЕМПИОН БЎЛМОҚЧИМАН

Музаффар ҲАМДАМОВ:

— Мен каратэ тўғрисида икки йилдан бери қатнашаман. Машҳур спортчи бўлишни хоҳлайман. Бунинг учун кўп ўқишни керак. Синфдошларим Камол, Самандар, Ғайратлар ҳам каратэга боришмоқда. Соғлом бўлиб, яхши ўқиб ота-онамизни хурсанд қилмоқчимиз.

Равшан ЮСУПОВ:

— Мен албатта бокс бўйича чемпион бўламан. Машҳур боксчимиз Руфат Рискиевга ҳавас қиламан. Ҳозир ярим йилдан бери боксга қатнашаман. Лекин жуда қийин экан. Бир-икки марта калтак еб, юзим қукарди. Лекин иродали бўламан, спортни ташлаб кетмайман. Дадам: «Спортчилар қўрқмас, кучли, соғлом бўлади», — дейдилар. Мен ҳам ана шундай бўламан.

Дилноза ШУКУРОВА:

— Мактабимиздаги стол тенниси тўғрисида қатнашяман. Машҳур теннисчи Ирода Тулағанова ҳақида телевидение орқали берилаётган кўрсатувларни мазза қилиб кўраман. Теннисимиз маликасига жуда ҳавасим келади, уларга ўхшасам дейман.

Халқимизда «Бир болага етти қўшин отаона» деган ибратли нақл бор. Фарзандларимизнинг спортга қизиқишларини янада кучлироқ ривожлантириш учун биз катталар уларга ибрат бўлишимиз керак. Чунки мурғак бола доимо ота-онасига, катталарнинг юриш-туришига, ҳаракатига, машғулотларига тақлид қилади. Буни ҳар биримиз унутмаслигимиз лозим.

Шаҳноза МАҲМУДОВА.

Болалар спортини

Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур

• БЕЛЛАШУВЛАР

«ҚУВНОҚ СТАРТЛАР»

Куни кеча Чилонзор туманининг «Қатортол» маҳалласида жойлашган 184-мактабда маҳаллалараро «Қувноқ стартлар» спорт мусобақаси бўлиб ўтди.

Қизиқарли тарзда, қувноқ ўйин-қулги, катта ҳаяжонга бой ўтган ушбу мусобақада «Қатортол», «Халқлар дўстлиги», «1-Қатортол» маҳаллалари ва тумандаги 23-мехрибонлик уйи болалари иштирок этди. Яъни ҳар бир маҳалладан 20-25 нафардан болалар қатнашдилар. Болажонларга ҳар томонлама манзур бўлган спорт мусобақасига туман ИИБ профилактик рўйхатида турган ва кам таъминланган оилалар фарзандлари ҳам жалб этилди.

Туман халқ таълими бўлими, 184-мактаб ва туман педагог-тарбиячилари кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган мусобақада футбол, шахмат-шашка, арқон тортиш, баскетбол ва спортнинг бир қанча бошқа турлари бўйича баҳс олиб борилди.

Мусобақага ҳар томонлама пишиқ-пухта тайёргарлик кўрган «Қатортол» маҳалласи голибликни қўлга киритди. Уларнинг ғалаба нашидасини суришларида яқиндан ёрдам берган маҳалла педагог-тарбиячиси Шухрат Чоршанбиевнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Тадбир сўнггида голибларга қимматбаҳо эсдалик совғалари «Камолот» ЁИҲ туман бўлими томонидан топширилди.

Шоҳида НИЗОМОВА.

СУРАТЛАРДА: «Қувноқ стартлар» спорт мусобақасидан лавҳалар.



• ТУМАНЛАРДА

Фарзандларимизнинг соғлом бўлиб вояга етишларида спортнинг ўрни муҳим эканлиги боис маҳаллаларда ҳам спорт мажмуаларини барпо этиш ва маҳаллалараро турли мусобақаларни ўтказишга муҳим эътибор қаратилган.

Яқинда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Ҳамза тумани бўлими қошида ташкил этилган «Маҳалла ёшлари тарбиячиси» маркази томонидан Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва «Янгиобод» соғломлаштириш спорт мажмуаси ҳамкорлигида маҳаллалараро катта спорт мусобақалари бўлиб ўтди.

Унда спортни жон-дилдан севган 100 дан ортиқ маҳалла болалари сузиш, кикбоксинг, теннис ва шашка бўйича ўзаро беллашдилар.

ҚИЗИҚАРЛИ БЕЛЛАШУВЛАР

Мусобақа ташкилотчилари бўлиш маҳалла ёшлари тарбиячиси Г.Абдувахобова, «Янгиобод» спорт мажмуаси директори Б.Зокиров, туман болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг етакчи мутахассиси У.Каримов, М.Улуғбек маҳалласининг қизиқарли ва жонли ўтишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Беллашувлар натижасига кўра голиблар аниқланди. Чунончи, ўғил болалар ўртасида 20.3 дақиқалик кўрсаткич билан 1990 йили туғилган, «Янгиобод» спорт мажмуаси вакили Б.Зокиров биринчи ўринга сазовор бўлди. Қизлар ўртасида биринчи ўринни Ш.Маҳмудова ва иккинчи ўринни А.Икромовлар эгалладилар. Стол тенниси бўйича эса Жўрабек маҳалласи болалари голибликни қўлга киритдилар. Спортнинг шашка тури баҳсларида З.Загитов голиб бўлди. Кикбоксинг бўйича эса Б.Зокиров биринчи, М.Аҳмедов иккинчи, З.Тошпўлатовлар учинчи ўринни эгаллашди.

Мусобақа голиблари ташкилотчилар томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Соғломлаштириш мусобақаларининг давом этиши, хусусан арқон тортиш, ўқ отиш, куч синаш, шахмат-шашка бўйича ҳам мусобақалар туман муҳофафага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти билан ҳамкорликда ўтказилишига келишиб олинди.

Азиза МУҲАМЕДОВА.

• ТАРБИЯ МАСКАНЛАРИДА

Спорт-тинчлик рамзи. Қайси мамлакатда тинчлик-осойишталик бўлса, унда спорт оммалашади, гуллаб-яшнайд.

ОТА-ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР ҚАТНАШАДИ

Фарзандларимизнинг ёшлиқдан спорт билан ошно бўлишлари эса уларнинг келажакда соғлом ва бақувват бўлиб вояга етишларида муҳим омилдир. Шаҳримиз туманларида жойлашган мактабга таълим муассасаларида ҳам бу борада ибратли ишлар йўлга қўйилган. Хусусан, Шайхонтоҳур туманидаги 342-болалар боғчасида бўлиб ўтган «Отам, онам ва мен» деб номланган спорт мусобақалари ҳам айнан шу хайрли ният остида ўтказилди. Мусобақаларда болалар билан биргаликда ота-оналар ҳам олти гуруҳга бўлинган ҳолда баҳсларда иштирок этишди.

— Ушбу мусобақадан кўзланган мақсад, — дейди боғча мудираси Дилдора Саидбекова, — нафақат болаларнинг, балки ота-оналарнинг ҳам спортга бўлган қизиқишини орттириш, оилаларда соғлом муҳитни юзага келтириш, ота-она ва фарзандлар ўртасида бир-бирини тушуниш ҳиссини мустаҳкамлашдан иборатдир. Мусобақалар асосини ҳаракатли ўйинлар ташкил этади, бу эса болаларнинг соғлом бўлиб ўсишида катта аҳамиятга моликдир.

Боғча тарбиячи-мураббийлари, ота-оналар ва болажонлар томонидан қизгин қўллаб-қувватланган ушбу мусобақа сўнггида голиб ва совриндорлар аниқланди.

Баҳслар натижасига кўра Шокировлар оиласи биринчи ўринни қўлга киритган бўлса, Илҳомов ва Низамутдиновлар оилалари иккинчи ва учинчи ўрин соҳиблари бўлишди.

Ғолиблар боғча маъмурияти ва «Бўстон» маҳалласининг эсдалик совринлари билан тақдирланди. Жажжи кичкинтойлар ижросида янграган шўх куй ва қўшиқлар мусобақага янада файз бағишлади.

(Ўз муҳбиримиз).

«Махсустрэнс» ишлаб чиқариш бошқармаси маиший чиқиндиларни олиб кетиш хизматлари бўйича 2004 йилга шартномалар тузади


Хизматлар учун тариф куйидагича
белгиланган:

- бир киши учун ойига 250 сўм;
- бир тонна чиқиндини олиб кетиш учун — 14600 сўм;
- бортли ва ўзигағдаргич автомашиналарнинг
бир соатлик иши — 6400 сўм;
- бир тонна нажосатни олиб кетиш учун — 2895 сўм;
- бир соатлик механизациялашган тозалаш учун — 4972 сўм.



«Махсустрэнс» ишлаб чиқариш
бошқармаси ўз тузилмалари кучи
билан, шунингдек келишилган
нархларда куйидаги кўшимча
хизматларни кўрсатади:

- йирик ҳажмдаги чиқиндиларни олиб кетиш бўйича бир
маротабалик буюртма хизматлар;
- қурилиш чиқиндилари ва шох-шаббаларни олиб кетиш;
- юкларни ташиш;
- ортиш-тушириш ишлари;
- суюқ чиқиндиларни олиб кетиш;
- хизмат кўрсатилувчи майдончаларда макулатура ҳамда озик-овқат чиқиндиларини қабул қилиш;
- темир парчаларини олиб кетиш.



Мулкчилик шакли ҳамда
молиялаштириш манбаларидан
қатъи назар корхона ва
ташкilotларни «Махсустрэнс»
бирлашмаси билан шартнома
тузишга таклиф қиламиз

«Махсустрэнс» ишлаб чиқариш бошқармасининг телефонлари:

- 47-02-11 — диспетчерлик хизмати
- 47-84-61 — шартнома бўлими
- 47-35-99 — фойдаланиш бўлими
- 191-47-55, 191-34-00 — «Миробод-Махсустрэнс» автотранспорт корхонаси
- 65-34-59, 65-93-46 — «Мирзо Улугбек-Махсустрэнс» автотранспорт корхонаси
- 90-65-31, 90-47-52 — «Ҳамза-Махсустрэнс» автотранспорт корхонаси
- 43-12-19, 43-12-84 — «Шайхонтохур-Махсустрэнс» автотранспорт корхонаси
- 50-92-35, 50-34-09 — «Яккасарой-Махсустрэнс» автотранспорт корхонаси
- 79-96-72, 79-86-65, 79-54-97 — «Чилонзор-Махсустрэнс» автотранспорт корхонаси
- 195-03-13, 192-92-31 — «Бектемир-Махсустрэнс» автотранспорт корхонаси
- 50-98-90, 50-97-54 — «Сергели-Махсустрэнс» автотранспорт корхонаси
- 48-50-18, 48-51-70 — «Собир Раҳимов-Махсустрэнс» автотранспорт корхонаси
- 47-95-23, 47-04-72 — «Акмал Икромов-Махсустрэнс» автотранспорт корхонаси



